

Абдулла Қаҳҳор таВаллудининг 100 йиллигига

АВЛОДЛАРГА ИБРАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўли билан таъминланган Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музеи асим Тошкент шахрининг сўлим масканларидан бирида жойлашган. Музейнинг бир бурчидан жой олган дутор қўшниси Юнус Ражабийнинг туҳфаси бўлиб, улар ҳаётликларидан бир-бирлари билан нечоғлик яқин бўлганликларидан далолат беради. Дуторнинг Абдулла Қаҳҳор қўлига етиб келишининг ҳам ўзига хос тарихи бор.

Адибнинг хонадонига дилга яқин инсонлар келганида, у киши қўшниси Юнус Ражабийни ҳам чорлар эканлар. Доим дуторни қўшниси чикиш малол келган соҳада бир куни устоз Қаҳҳорга: — Сиз учун битта дутор совға қилмасам бўлмайдими. Ўзбек хонадонига дутор бўлиши керак, — дейди ва адиб учун махсус дутор ясади беради.

Адиб уй-музейида унинг ажойиб хислатини акс эттирувчи яна бир буюм бор. Бу — меҳмонхона ўртасидаги юмалоқ стол ва унинг атрофидаги ўтказарканлар. Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейидаги бу буюмлар ҳали-қўлга янги авлодларнинг диққатини тортиб, уларга ибрат бўлгусидир. **Расул КУШЕРБОВ.**

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўли билан таъминланган Фаол хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонуннинг амалга оширилиши ва янгилашдек масъулиятли жарафидан хотин-қизларнинг фаолияти тобора ортиб бораётгани таъкидланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ушбу ҳужжатга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш каби кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фаронда хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, касбга доир билимини янада ошириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Икки кун давом этадиган мазкур семинардан қўзғалган мақсад ҳам бу борадаги кенг қўламли вазифалар ижросини таъминлашдан иборат бўлди.

Тарағгуғ ҲОЗИРГИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Дехқончилик тажрибасидан яхши маълумки, кузгики ирригация-мелиорация тадбирларининг вақтида, сифатли ўтказилишининг самараси куздаги баракали хирмонда ўз аксини топади.

Хусусан, ички ва ташқи ҳўжалиқлар ариқ-зовурларнинг пухта таъмирланиши ва тўлиқ тозаланиши мавсумда ортиқча қийинчиликларни келтириб чиқармайди, сув сарфи камаяди, айниқса, тупроқ шароити нобон, сизот сувлари ер юзасига яқин ҳудудларда дехқон мушқули осонлашади.

Вилоятимиз бўйича қишки мавсумда 1150 км. узунликда ирригация тармоқлари созланиши ва тозаланиши режалаштирилган бўлиб, ҳозир аксарият ҳўжалиқларда бу ишлар якунига етди. Йирек суғориш тармоқларини тозалаш ва қўшимча зовурлар очишга 64 та экскаватор, 7 та рачок жалб этилди. Қўллаб-қувватлаш асосан ўз қўли билан тартибга келтиришнинг урдасидан чиқмоқдалар.

Бекобод туманидаги «Ислом Салоҳиддин» фермер ҳўжалиги аъзолари ҳозир асосий эътиборни ана шу долзарб юмушга қаратганлар. Нишонбой Охунов, Худойкул Боймуродов, Азим Раимқулов, Саидкул Холитов каби пудратчилар сўй-ҳаракати билан ҳозиргача 1 километрдан узунроқ масо-



фадаги ички суғориш тармоқлари рисоладагидек ҳолатга келтирилди. — Жами 50 гектар ерда пахта ва галла етиштиришимиз, — дейди бекободлик яна бир заминдор Абдуқаҳҳор Обидов. — Утган мавсум суғориш тармоқларида носозлиқлар бўлгани боис, суғоришда узиллиш ва ноқулайликлар ҳам бўлди. Ҳозир аъзоларимиз билан биргаликда худудимиздаги ариқ-зовурларни тозалаймиз. Бунда янги дамдаги қулай об-ҳаво шароити айниқса, қўл келмоқда.

СУРАТЛАРДА:

ҳўжалик аъзолари ички ариқ-зовурларни тозаламоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.




Ў.А.

Шундайлар бор бўлсин

ИЖОДКОР ОЛИМ ВА МУРАББИЙ

Жамиятда ҳар бир киши ўз ўрни ва мавқени ўзи яратди. Касбни ҳурматлаш, ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлиш, айна пайтда атрофдагиларга ўрнатилган шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга.



Инсон ҳаётида шундай дарвлар бўладики, беихтиёр орта қараб, босиб ўтилган умр сарҳисд қилинади. Биология фанлари номзооди, доцент, халқ таълими аълочиси Эркин Зариповнинг ҳаёт йўлига разм солсак, унинг педагогик ва илмий фаолияти юқорида қайд этилган мезонларга тула жавоб беришини кўрамиз. Мактабда биология ўқитувчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Микробиология институтида илмий ходим, бўлим бошқиси сифатида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида, Давлат таълим стандартлари бўйича республика ноэирлигида буюм эксперт, бўлим бошлигининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази аттестация бошқармаси буюм эксперти лавозимларида ишлади. Халқ таълимининг билимдони Эркин Зарипов 2001 йилдан буюм Тошкент вилояти халқ таълими педагогик ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида ўқув-методик ва илмий вазифа буюмча проректор вазифасида ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури», «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйлаштирилган давлат талаблари тўғрисидаги» қарорлари ижросига, халқ таълими ходимларининг малакасини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаятган вилоят

Ақром АҚМАЛОВ, Мирҳабиб ҒУЛОМОВ, доцентлар.

МАҲАЛЛАДА СЕМИНАР

Ангренин «Озодлик» маҳалласида бўлиб ўтган семинарда аҳолини иш билан таъминлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

— Сўнгги бир ой ичида маҳалладан иш сўраб мурожаат қилган фуқаролардан 13 киши ишга жойлаштирилди, — дейди шаҳар меҳнат бўлими ноэири Муҳаббат Умрзоқова.

— Йилнинг иккинчи ярмида маҳалла қўмитаси ташаббуси билан худудда сават тўқиш чеки ташкил этилиши кўзда тутилган. Бу айни вақтда уй бекалари ўн ҳам қулай ва манфаатли имконият ҳисобланади.

Семинарда «Оилада тиббий маданият», «Ботулизм ва унинг оқибатлари» хусусида атрофлича тўхталиниб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Мунаввара РАЖАББЎЙ қизи.

Диққат: банкдан ташқари айланмалар

Гап шундаки, Қуйичирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Мурод Турағалов «Дўстобод-Тошкент» йўналишини навабатдаги тендерга қадар Қуйичирчиқда фаолият кўрсатаётган «Хилол сервис» хусусий корхонасига бириктиришни сўраб, расмий хат билан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилди. Сабаби, Оққўрғон тумани йўловчи ташвиш автокорхонаси Қуйичирчиқ туманидаги бир қатор йўналишларини тендерда ютиб олган. Бироқ, охириги пайтларда Оққўрғон автотранспорт корхонаси (АТК)га тегишли автобуслар йўналишда кўринмай қолганди. Бу эса ўз-ўзидан туман раҳбарларида норозилик уйғотди.

Аммо, йўловчилар бу йўналишда кўрсатилаятган транспорт хизматидан норози бўлишлари мумкин эмасди. Чунки, «Бизнес-авто-сервис» корхонаси Оққўрғон АТКси билан шартнома асосида шу йўналишда ишлаб турибди. Ҳоким ўринбосари имзоси билан вилоят ҳокимлигига келган мактубда эса, бу уюшманинг фаолияти қораланиб, йўловчилар «Бизнес-авто-сервис» корхонаси хизматидан норози бўлишганини, шанба, якшанба кунлари ҳайдовчилар йўл ҳақини ошираётганлари кўрсатилганди.

Вилоят ҳокимлиги қошидаги транспорт масалалари билан шуғулланувчи тендер комиссияси тасдиқлаган ишчи гуруҳ ҳақиқий аҳолини ўрганиш мақсадида Қуйичирчиқ туманида бўлди. Дастлаб, Мурод Турағалов бошличилида туман солиқ идораси вакили, «Хилол сервис» ҳамда «Бизнес-авто-сервис» хусусий

корхоналари раҳбарлари, шунингдек, Оққўрғон АТКси вакиллари иштирокида мактубда келтирилган маълумотлар муҳокама қилинди. Қўрилган масала бўйича иштирокчилар ўз фикрларини билдиришди.

— Бугун туманда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қоникарли эмас, — дейди Мурод Турағалов. — Қолаверса, соҳада нақд пул тушуми, солиқ тўловлари

манда очилган қўшимча ҳисоб рақамимизга инкасса орқали топшираимиз, — дея тадбиркор инкасса хизматининг кундалик топширилган нақд пул ҳақидаги маълумотларни қўшимчига тутқазди.

Аҳолини бевоқифа жойида ўрганиш мақсадида Дўстобод шохбекатида бўлди. Бекат майдони турли русумдаги микроавтобус ва «Дамас»лар билан тўла

ниб кетаяпти. Бу тартибсизликлар назорат қилинса, кундалик нақд пул тушуми ҳам кўнгилдагидек бўларди. Дарҳақиқат, қарийб ярим соат давомида шохбекатдаги транспортларни кузатганимизда енгил автомобиллар, айниқса, «Дамас»ларнинг серкатновлигига амин бўлди. Ишчи гуруҳ аъзолари сифатида уларнинг айримларини мониторингдан ўтқа-

Суд ислоҳоти

МУҲИМИ — ИЖРОНИНГ АМАЛИЙЛИГИДА

Мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш суд ҳокимияти мустақиллигининг самарадорлигини оширишни таъминламоқда. Ҳозирги пайтга келиб, суд қарорларини ижро этишнинг амалий, таъсирчан тизими яратилди, судларнинг моддий-техник таъминоти кескин яхшиланди.

— Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан ишни ташкил этиш, суд қарорларининг ижросини таъминлашда жиддий камчиликлар юз бераётганлиги таъкидланди, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар белгиланди, — деди «Тошкент ҳақиқати» муҳбири билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Улўғбек Абдуалиев. — Улар тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш, ходимларда масъулиятни кучайтириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

— Улўғбек Ҳабибуллаев, вилоят худудий бошқармасида шу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўзлаб берсангиз. — Президентимизнинг шу қарорлари асосида Республика департаменти раҳбарияти томонидан амалга оширилган ишлар, қуйи идораларга аниқ йўналишлар берилиши, ундирилган маблағларни назорат қилишга мўлжалланган ағона ахборот-компьютер тармоғини шакллантириш юзасидан бошланган ҳаракатлар ўз самараларини бера бошлади. Маълумки, ҳар бир ишда муваффақият ҳодимнинг малакаси, ишчанлиги, масъулиятини ҳис этиши, ўзига ва бошқаларга талабчанлиги билан белгиланади. Шунки ҳисобга олиб, биз ходимларни танлаш, тарбиялаш, суд ижрочилари захирасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳодимлар таркибининг ёш мутахассислар билан тўлдирилиши бориш мақсадида юридик йўналишдаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаётимиз.

Айни пайтда ходимларни ўқитиш, касбий малакасини ошириб бориш ҳам назардан четда қолмаётди. Улар учун ўқув курслари, семинар машғулотлари ташкил этилаётди. Бу ўқувларда Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги йўриқлари айтиб ўтилган қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳодимлар онгига чуқур сингдиришни кўзлаб малакали маърузалар ташкил этилди.

Ходимлар меҳнати самарадорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимизнинг иккинчи йўналиши вилоят худудий бошқармаси, шаҳар ва туман суд ижрочиларини аттестациядан ўтказиш орқали улар таркибини ҳалол, виждонли, малакали мутахассислар билан мустаҳкамлашдан иборат бўлмоқда. Чунки, ўтган йилги аттестация якунларига қўра уч нафар суд ижрочилари эғаллаб турган лавозимига ҳолойиқ деб топилди. Шу билан бирга йил давомида ўз ишида баъзи камчиликларга йўл қўйган 29 нафар суд ижрочилари тартибга чакрилди, уларга нисбатан интизомий жаза чоралари қўлланилди.

— Президентимиз қарорларида судлар ва суд ижрочиларининг меҳнат шарафларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Вилоятда шу йўналишда қандай чоралар амалга оширилмоқда? — Аввало, меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган ҳаракатлар амалий тус олганлигини, бу соҳанинг молиявий таъминоти яхшиланиши билан боғлиқ бўлганини таъкидламоқчиман. Чунки, ўтган йили фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича бир қатор шаҳар ҳамда туманлар судларининг бинолари капитал таъмирдан чиқарилди. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлари судига янги бино олиб берилди. Судлар ва суд ижрочилари бўлимлари жами 24 та компьютер жиҳозлари, мебеллар билан таъминланди. Бу ишлар ҳозирги пайтда яна ҳам қиз-

ғин тус олдирилмоқда. — Табиийки, иш шароитининг яхшиланиши, ходимлар малакасининг ошиби бориши ва уларда масъулиятни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалий фаолият натижаларига ижобий таъсир кўрсатаётган бўлса керак?

— Албатта. Қуни кеча бошқармаимиз ходимларининг кенгайтирилган ялпи йўғилишида ўтган йилги якунлар чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Умуман, ижро интизоми яхшиланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Эътибор беринг: вилоятимиз суд ижрочилари ўтган йили судлар ва бошқа органларнинг ижро учун қабул қилиб олинган 11375 та ҳужжатидан 100401 тасининг ижро этилишини таъминладилар. Бу соҳадаги кўрсаткич бир йилда 4 фоиз кўтарилишига эришилди.

Ходимларимиз жами ундирилган буюмча, айниқса, юқори натижаларни кўлга киритганликларини манмуният билан таъкидламоқчиман. 2006 йили ундирилиши лозим бўлган жами маблағлар 25 фоизга кўтарилди.

— Президент қарорларида суд департаменти бўлимлари фаолиятини янада яхшилашга қаратилган вазифалар аниқ-равшан белгилан қўйилган. Уларни бажариш учун нима қилишмоқда? — Йил якунларига бағишланган умумий йўғилишимизда эришилган натижаларни қарор талаблари асосида танқидий таҳлил қилиб, ҳозир турли бўлимлар, айрим ходимлар фаолиятини яхшилаш мақсадида ижрочиларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Чунки, Президентимиз қарорларидан келиб чиқиб, ижро самарадорлигини ошириш мақсадида суд ижрочилари таркибини анча кенгайтирилди.

Биз мутахассисларни танлашда ҳолойиқ ва ошқоралиқни таъминлаб, суд ижрочиларини танлов асосида саралаб олишга алоҳида эътибор бераётимиз. Суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатлари асосида хатланган автотранспорт воситалари ва қўчмас мулкни сотиш ҳам танлов асосида танланган махсус савдо майдонларида ўтказилаётди.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида баркамол авлодини тарбиялашда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, умумтаълим муассасалари директорларининг маънавий ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, услубчилар, Республика Маънавий тарбия маркази, Миллий йўл ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда ёшларни зарарли гоғлар таъсиридан ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари, мактаб, маҳалла, ота-оналар ҳамкорлигини тобора мустаҳкамлаш, турли ташкилотлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона механизмининг яратилиши, бу борадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилган маърузалар тингланди. Соҳада ҳамкорликда амалга оширилажак чора-тадбирлар режаси белгилан олинди.

Назозат УСМОНОВА, Ў.А. муҳбири.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

ОЛМАЛИҚ МЎЪЖИЗАСИ

Йирик саноат шахри – Олмалик кончилари ва металлурглари мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар Қалмоққир, Коулди, Чодак ва Ангрен конларидан миллион-миллион тонна рудаларни қазиб чиқараётирлар. Мураккаб технологик жараёнларда қайта ишланиб, оловли печларда эритилиб, бу рудалардан мис, рух, кўрғошин каби қўлпаб нодир ва қимматбаҳо металллар ажратиб олинмоқда.



Конлар, бойитиш фабрикалари, металл эритиш корхоналарида ишлаб чиқаришни барқарор тус олдирдиша «ОКМК» очик акциядорлик жамияти маъмурияти билан касаб қўмитасининг ижтимоий шерикчилик тамойилига асосланган ҳамкорлиги муҳим ўрин тутмоқда.

– Ҳомийлар ва шифокорлар йилда маъмурият ва касаб қўмитаси кам таъминланган, кўп болали оилаларга, пенсионерларга 91,5 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатди, – дейди

касаб қўмитаси раиси Собир Пулатов. – Шу тоифадаги 535 кишига даволашни учун санаторий ва курорт йўланмалари бепул берилди. Касаб қўмитаси бунинг учун 83,8 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади. Умуман олганда, касаб уюшмаси маблағлари, хисобидан 643 киши сирхатдоҳларда соғломлаштирилди. Ишловчилардан 3244 кишини шундай даволатиб, дам олдириш учун эса, корхона ва ижтимоий сугурта маблағларидан 492 миллион сўм ажратилди.

Шу кунларда бу улкан корхонанинг куйи ишлаб чиқариш бўғинлари меҳнатқашлари йиғилишларида жамоа шартномалари бажарилишининг 2006 йилги яқунлари муҳокама қилинаётир. Бу йиғилишлар мис ва рух бойитиш фабрикалари, қимматбаҳо металлурги эритиш заводларида, Коулди ва Қалмоққир кон бошқармаларида, айниқса, қизгин ўтди. Уларда ишчи-хизматчилар меҳнат шартлоқларини яхшилашга қаратилган янги таклифлар билан чиқмоқда-

лар. Касаб қўмитаси уларни умумлаштириб, меҳнат жамоасининг конференциясига тайёргарлик кўрмоқда.

Ушбу саҳифада «ОКМК» очик акциядорлик жамияти ижтимоий соҳаларининг фаолияти, кончилар ва металлурглр учун яратилаётган шароитлар, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш тажрибалари билан танишасиз. Бинобарин, Ижтимоий ҳимоя йилида бу ишлар янада кенгайтирилмоқда.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Хом ашё – ҳар қандай ишлаб чиқариш узлуксизлиги, барқарор тус олишини таъминловчи асосий омил. Буни чуқур англаб етган Қалмоққир кончилари руда қазиб олиш ва уни бойитиш-эритиш корхоналарига тўхтовсиз етказиб беришга эришмоқдалар. Чунончи, ўтган йили меҳнат жамоамиз ишлаб чиқариш режасини декабрь ойининг ўрталаридаёқ бажариб қўйди.

Кон бошқармаси маъмурияти билан касаб қўмитамизнинг бевосита ҳамкорлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат шартлоқларини яхшилаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, юксак умумдорлик ва сифатга эришишга асос бўлаётир. Бунинг учун меҳнатни муҳофаза қилиш, ишловчилар учун хавфсиз, қўлай меҳнат ва маийш шароитлар яратишга эътибор кўчатирилаётир. Чунончи, кейинги пайтда ишчи ошхонамиз ва ювениш

хоналари тўла таъмирдан чиқарилиб, гелиоускуналар ўрнатилди. Тиббий пунктни ҳам таъмирлаб, янги, замонавий даволаш-таъхис асбоблари билан жиҳозлади. Бевосита бошқарманинг ўзида касса очилиши ҳам ортқича оворагарчиликларга барҳам берди. Эндиликда кончиларимиз маошини шу ерининг ўзида олишяпти.

Кон бошқармасида 1178 киши меҳнат қилади. Касаб қўмитамиз ишловчилар, шунингдек, жамоамизда узок

йиллар ишлаган 200 пенсияонернинг турмуш даражасини яхшилаб бориш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб, керак бўлганда моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ишлаб чиқаришнинг етакчи участкаларида 12 та касаб ташкилоти, бригадаларда эса, 32 та касаб гуруҳи иш олиб бормоқда. Марказий кон участкаси касаб қўмитасининг раиси Раиса Белоцерковец, Шарқий кон касаб қўмитаси раиси Галина Саркисова, кон очиш участкаси касаб қўмитаси раиси Тамара Ахмедзянова,

касаб гуруҳларининг Комил Алдиёров, Валерия Гуляев, Фаина Сафиуллина сингари етакчилари ишчи-хизматчиларнинг эҳтиёжларини ўрғаниб, иш жойлари ҳаммиса батартиб бўлишига ҳисса қўшаётирлар.

Ҳаммиса одамлар орасида бўлиш, уларнинг меҳнат шартлоқларини яхшилаш йўлидаги сая-ҳаракатлар касаб етакчиларимизга обрў-этибор келтиряпти. Улар ишловчиларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш, эҳтиёжманларга ёрдам кўрсатиш учун тинмай изланаётир.

Аъзамжон СОДИҚОВ,
Қалмоққир кон бошқармаси касаб қўмитаси раиси.

Халқ ижогуёти
ЕТТИ РАНГ ЖИЛОСИ

Шаҳримизда ўзига хос цирк мактаби шакллана бошлаганига қирқ йил бўлапти. Унга маданият саройимизнинг бадий ҳаваскорлик дастаси иштирокчилари асос солишган. Виктор Иванович Кромаренко бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлган эди. 1967 йили унинг сая-ҳаракати билан «Радуга» ҳаваскорлик цирки жамоаси ташкил топди. Тинимсиз машқлар, цирк санъати сирларини ўзлаштириб олишга бўлган интилиш ҳаваскорларимизга катта муваффақият келтирди. Шаҳримиздаги ҳар бир байрам, умумхалқ шодиёналари уларнинг қувноқ чиқишларисиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

Ўтган йиллар мобайнида жамоамизда қўлаб моҳир цирк усталари етишиб чиқди. Виктор Кромаренконинг ўғил-қизлари ҳам шу жамоада маҳоратларини ошириб, ўзларининг қизиқарли чиқишлари билан элга танилишди. Ҳаваскор циркчиларимиз Татьяна билан Владимир Гребневларнинг жозибали санъатини олмаликликлар ҳамон унуттишгани йўқ. Уларнинг ўғиллари, набиралари ҳам оилавий аънани давом эттириб, маҳоратли цирк артистлари бўлиб етишди.

«Радуга»нинг бугунги дастурларида Владимир Краснобаевнинг чиқишлари алоҳида ўрин тутди. Цирк жамоамизда жуда кичиклигида олиб борилаётган ишлар, айниқса, қўламли ва самарали бўлаётир.

Олмалик шаҳрининг марказида эса, 4,2 гектар майдонни эгаллаган «Олеся» боилалар боғини барпо этганимизга беш йил бўлапти. Замонавий аттракционлар билан жиҳозланган соя-салқин бу боғ фақат болажонларнинггина эмас, балки катталар, шаҳримиз меҳмонлари учун ҳам севишли кўнглиочар масканга айланган.

Қисқаси, Ижтимоий ҳимоя йилида ҳечимиз ходимлари кончилар, металлурглр, барча ишчи-хизматчиларимизнинг бундай вақтларини оқилол ташкил этиш, ижтимоий соҳа муассасалари меҳнат савиясини янада ошириш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун тинмай ишланмоқдалар.

Людмила ОРТИКОВА,
Ижтимоий-маданий хизмат цехи бошлиғи.

қилдик. Бугун жамоанинг янги-янги чиқишларини тайёрлашга бутун иқтидорини сарфляпти.

Мустақиллик йилларида «Радуга»нинг дастурий чиқишлари янада юксак жазиб касб этди. Цирк жамоамиз республикамизнинг турли шаҳарларида ўз маҳоратларини намойиш этиб, гастроллар уюштиряпти. Жонглр ва эквилибристлар, қизиқчи ва маҳарабозлар маҳорати минг-минглаб томошабинлар олқишини қозониб келаётир.

Ҳозирда халқ циркимизда катта-кичик ёшдаги 60 га яқин ҳаваскор шугулланмоқда. «Радуга»нинг энг кичик иштирокчиси Сайёра Маҳмудова энди етти ёшга тўлди. У жамоамизда шугуллана бошлаганига тўрт йил бўлапти. Саҳнага чиқиб, салтонини ижро этганида, доира бўлиб айланганда ёки ҳамкорининг осмонга узатилган қўли учиде қалдирғоч каби учганида ҳаммиса гулдорос қарсақлар янграйди.

«Радуга»мизнинг корхона меҳнатқашлари ва шаҳар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги самарали фаолияти, ёшлар тарбиясига қўшаётган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг бой маданий меросини ардоқлаб сақлаётганлиги муносиб баҳоланади. Ўзбекистон касаб уюшмалари федерацияси кенгаши унга «Радуга»нинг энг кичик – 4-5 ёшли ҳаваскор иштирокчилари билан машғулловчи ўтказиб, уларнинг ижрочилик қобилиятларига сайқал бераётир. Владимиринг эса, у бир мунча мудат профессионал циркда ишлагач, яна маданият саройимизга таклиф

Вера НАЙМУШИНА,
«Металлург» маданий саройи раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданий ходими.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ВА
ДАВР

Устувор соҳа

Бугун мустақил тараққийнинг «Ўзбек модели» жумлаи жаҳонда тан олинди. Унинг негизини машҳур беш тамойилдан бири – кучли ижтимоий сисёт ташкил этади. Корхонамизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб бу борада собитқадам иш олиб борилмоқда. Шу боис унчалик оддий бўлмаган ўтиш даврида ҳам комбинатимиз ижтимоий инфратузилмаларини сақлабгина қолмай, балки янада кенгайтириш, замонавий ускуналар билан жиҳозлашга эришди.



Қалб сўзлари
МИНГ РАҲМАТ!

Сихатгоҳимизда дам олиб, даволанган кунларим хотирамда бир умр муҳрланиб қолди. Шифокорларнинг малакали муолажалари соғлигимнинг тез тикланишига ёрдам берди.

Ширин сўзлари, меҳрибонликлари, диққат-эътиборлари учун уларга минг раҳмат!

Самад АЛИЕВ,
мис эритиш заводи тобловчиси.

ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМАН

Касаб қўмитасининг имтиёзли йўланмасини олиб, «Металлург» санаторий-профилакторийсига даволандим. Энди яна севишли ишимга қайтдим. Ўзимни бардам сезялман, руҳим ҳам тетик.

Соғлигимни тиклаб олишимга ёрдам берган меҳрибон шифокорларимизга раҳматимизни ҳеч қачон унутмайман.

Абдуқаҳор УРОЛБОВ,
Ангрен кон бошқармаси муҳандиси.

ИШГА ТИКЛАНДИМ

Нима бўлди-ю, маъмурият мени ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Очигини айтсам, ўзимни йўқотиб қўйдим. Кейинроқ ноҳақ ишдан бўшатишгани учун ёрдам сўраб корхонамиз касаб қўмитасига мурожаат қилдим. Малакали ходимлар ахволни ўрганиб

чиқиб, буйруқни ноқонуний деб топишди. Менинг меҳнат ҳуқуқимни ҳимоя қилишди. Қайта ишга тикланиб, жонажон меҳнат жамоамга қайтдим.

Муҳаммад ТОҒАЕВ,
Кўрғошин бойитиш фабрикаси конвейери машинисти.

Саломатлик – туман бойлик

Ишловчиларнинг саломатлиги корхона бир маромда ишлашини таъминлашда, меҳнат унуми ҳаммиса юқори бўлишида муҳим ўрин тутди.



Корхонамизнинг тиббий соғломлаштириш тизими ишчилар ва мутахассисларнинг соғлигини сақлаш, турли касб касалликларининг олдини олиш, иш жойлари-

ЭНГ ЮКСАК БАХТ

нинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилашга хизмат қилаётир. Бизнинг санаторий-профилакторийимизнинг бу жараёндаги ўрни алоҳида.

Юқори касаб идоралари билан корхона маъмурияти мураккаб шароитларда ҳам сихатгоҳимизни сақлаб қолиш, уни янги-янги ташхис-даволаш ускуналари билан жиҳозлашга муваффақ бўлмоқда. Ҳозирги пайтда сихатгоҳимиз 200 ўринга эга. Йилига 3600 дан кўпроқ ишчи-хизматчи ва пенсионерларнинг соғлигини тиклашга эришмоқдамиз.

Корхона маъмурияти даволанувчиларга ҳамма шароитни муҳайё қилиб, муолажаларни тақомиллаштириш учун ҳар йили кўп миқдорда маблағ ажратаяпти. Чу-

нончи, Ижтимоий ҳимоя йилида даволанувчиларни овқатлантириш учун қўшимча равишда 70 миллион сўм маблағ сарфлаш қўзда тутилмоқда. Касаб қўмитаси янги тиббий ускуналар олишимиз учун 5 миллион сўм ажратди. Эндиликда шифокорларимиз муолажалар жараёнида барокамера ва лазер ускуналаридан фойдаланишяпти. Бу йил корхонанинг ўзи янги тиббий асбоб-анжомлар олишимиз учун 30 миллион сўм сарфламоқчи эканлиги айтилса, ишчи-хизматчиларимиз, уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклашга қаратилган эътибор ва гамжўрлик салмоғи яна ҳам ойдинлашди.

Яна бир гап: шу кунларда сихатгоҳимизда таъмирлаш ишлари давом этаёла-

ти. Уни мукамал амалга ошириш учун корхона 300 миллион сўмдан кўпроқ сармоа йўналтирган.

Шифокорлар ва тиббий ходимлар асосий маошга 100 фоизлик қўшимча ҳақ олишади. Бу устама тўлалигича корхона маблағлари хисобидан қўланади. Сихатгоҳимизда ишловчилар асосий ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кончилар, металлурглр ва бошқа ходимлар учун қўзда тутилган барча имтиёзлардан ҳам тўла фойдаланаётирлар. Чунончи, узлуксиз иш стажига қараб, ходимларимизга 10 фоиздан 25 фоизгача қўшимча ҳақ тўланапти.

Табиики, тартиб ва талаб ҳам шунга яраша. Сихатгоҳимизда ишловчи 53 ходим ўз вазифасини сикидиладан адо этиб, даволанувчиларга малакали хизмат кўрсатишяпти. Дам олувчилар Уляна Ким, Умида Пулатова, Зухра Уляева, Владимир Кравченко, Нигора Отабоева сингари шифокор ва ўрта тиббий ходимларимиз хизматларидан айниқса, миннатдор бўлишяётир.

Халқимизда яхши бир гап бор: «Соғлигинг – бойлигинг» дейишади. Сихатгоҳимизда соғлигини тиклаб, ўз хонадонини, меҳнат жамоасига янги куч билан қайтаётган кишиларнинг мамнунлиги – биз учун катта бахт.

Рустам НАЗИРКУЛОВ,
бош шифокор.



ҲАММАСИ ИНСОН УЧУН

ижтимоий хизмат кўрсатиб, кичкинтойлар тарбияси билан шугулланаётир. Ходимларимиздан 60 киши олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида таълим олмоқда.

Корхона қарамоғидаги бочаларга 2976 бола жалб қилинган. Тарбиячилар ва тиббиёт ходимларимизнинг сая-ҳаракатлари билан болаларнинг касаллигини камаймоқда. Уларни жисмоний чиқтириш, маънавий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш учун бочаларимизга қўлай шароитлар яратилган. Тажрибали педагог К. Никифорова тарбиячиларнинг малакасини ошира бориб, тарбия жараёнларига илгор педагогик технологиялар ва ноанъанавий усулларни жорий этишга, болаларда тасвирий санъатга қизиқини кучайтиришга эришяпти.

Биз меҳнат жамоаларида соғлом маънавий-руҳий муҳитни яратишни ҳаммиса диққат марказида тутамиз. Шу мақсадда фаоллар учун малака ошириш курслари, ўқув машғулловлари, маслаҳат уч-

рашувлари ўтказаятиримиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳар бир ходим ўз хизмат вазифасига ижодий ёндашаётир. Бошқа мудирларимиз Е. Фафорова, М. Качалина, В. Шабалова, Т. Собирова, тарбиячилардан М. Ерёмина, Т. Перстная, Р. Мадалиеванинг иш тажрибалари, айниқса, ибратли.

Узининг бутун умрини корхонамизни барпо этиш ва ривожлантиришга бағишлаган пенсионерлар алоҳида ғамжўрлик билан қўраб олинган. Чунончи, «Нуроний» қариялар уйида ўтган йили 1244 яқка-ёғлиз кекса дам олдирилди. Соя-салқин боғ, шинам уйлар, ширинсўз, меҳрибон ходимлар отахон ва онахонларимиз вақтин кўнглили ўтказишларига хизмат қилаяпти.

Ходимлар, уларнинг оила аъзолари «Новий тоғлар» дам олиш муассасасида, «Тонг» ёғзи болалар оромгоҳида соғломлаштириляпти. Ўтган ёзни корхонамизнинг 2069 ходими ва 1910 бола арчазор тоғлар бағридаги бу хуш-ҳаво, хушманзара жойларда

ўтказди. Ходимларимизни дам олдириб, соғломлаштиришда 200 ўринли санаторий-профилакторийимизда олиб борилаётган ишлар, айниқса, қўламли ва самарали бўлаётир.

Олмалик шаҳрининг марказида эса, 4,2 гектар майдонни эгаллаган «Олеся» боилалар боғини барпо этганимизга беш йил бўлапти. Замонавий аттракционлар билан жиҳозланган соя-салқин бу боғ фақат болажонларнинггина эмас, балки катталар, шаҳримиз меҳмонлари учун ҳам севишли кўнглиочар масканга айланган.

Қисқаси, Ижтимоий ҳимоя йилида ҳечимиз ходимлари кончилар, металлурглр, барча ишчи-хизматчиларимизнинг бундай вақтларини оқилол ташкил этиш, ижтимоий соҳа муассасалари меҳнат савиясини янада ошириш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун тинмай ишланмоқдалар.

Людмила ОРТИКОВА,
Ижтимоий-маданий хизмат цехи бошлиғи.

Тажриба
ҲАР КУНИ БИР ТАДБИР

Металлурглримиз ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича спартакиадалар ўтказиш яхши ва самарали аънъанга айланди. Шу билан бирга «Металлург» спорт клуби Олмалик шаҳри аҳолиси ўртасида ҳам спортнинг оммавийлашувига эришмоқда. Чунончи, сўнгги бир йилда тўртта спартакиада ўтказилди.

Икки гуруҳда ўтказилган умумкорхона спартакиадасида заводлар, фабрикалар ва цехларнинг спорт жамоалари ўзаро куч сиништиди. Биринчи гуруҳ мусобақаларида спортнинг 16 тури бўйича цехларимизнинг 8 та, иккинчи гуруҳда эса, спортнинг 12 тури бўйича 18 та жамоаси қатнашди. Умуман, бутун спартакиада мобайнида 1008 ишчи турли спорт майдонларимизда ўз куч ва маҳоратини намойиш этди.

Биринчи гуруҳда мис бойитиш фабрикаси, иккинчи гуруҳда темирўл транспорт бошқармаси спортчилари голиб чиқиб, биринчи ўринларни эгаллашди. Бу мусобақаларда АЦЗ Чодак кон бошқармаси иккинчи, мис эритиш заводи, алоқа цехи жамоалари учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Умумкорхона спартакиадасида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиздан кейинчалик «ОКМК» очик акциядорлик жамиятининг терма жамоалари шакллантирилди. Улар вилоят ва республика мусобақаларида корхонамиз билан шаҳримиз шаънини муваффақиятли ҳимоя

қилишди. Чунончи, кон ва металлургия саноати ходимлари касаб уюшмаси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тармок спартакиадасида бизнинг жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. Спортчиларимиз тармоклараро спартакиадаларда волейбол, стритбол ва сузиб бўйича мароқли ўйин кўрсатишиб, яхши натижаларга эришишди.

Корхонамиз ёшларининг спартакиадаси ҳам муваффақиятли ўтди. Унда 14 та корхона ва цехдан 253 йилгит-қиз иштирок этди. Мусобақаларда стол тенниси, шаҳса, сузиб, минни-футбол, волейбол жамоалари қатнашди. Марказий ремонт-механика заводи ёш спортчилари жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Темирўлчилар иккинчи, УЭСчилар учинчи ўринларга кўтарилишди.

Шунингдек, спорт клубимиз болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг ўн тури бўйича маҳаллараро ёғзи спартакиада ўтказди. Бу мусобақаларда 887 ўғил-қизни ўз сафига бирлаштирган 30 та жамоа иштирок этди. 7-маҳалла гуруҳи умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. 19 ва 33-маҳалларнинг



спортчилари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Хотин-қизлар спартакиадасига «ОКМК» биринчилиги уланиб кетди. Уларда цех ва корхоналаримизнинг 12 жамоаси, жами 230 спортчи ўз маҳоратини намойиш этди. АЦЗ жамоаси мутлақ голиб чиқиб, хурмат шоҳсупасига кўтарилди. Мис эритиш заводи иккинчи, рух бойитиш фабрикаси учинчи ўринга чиқди.

Юғришга қизикувчилар клуби, соғломлаштириш гуруҳлари фаолиятини ҳам қизгин тус олиб бормоқда. Умуман олганда, «Металлург» спорт клубининг стадионлари, спорт майдонлари ва сузиб ҳавзаларида сўнгги бир йилда 195 оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирлари ўтказилди. Бу беллашувларга ҳам-

маси бўлиб, 12540 ишчи-хизматчи ва уларнинг фарзандлари жалб этилди.

Спартакиадалар ва мусобақаларни ташкил этишда бизга корхонамиз касаб қўмитаси катта амалий ёрдам кўрсатганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Минглаб спортчилар иштирокидаги оммавий спорт тадбирларини ўтказишимизга касаб қўмиталари раислари, спорт йўриқчилари – мис бойитиш фабрикасида И. Когай билан Т. Таранок, мис эритиш заводидан В. Ведерникова билан Т. Абибуллаев, Қалмоққир конидан А. Содиков билан В. Гуляев каби ўнлаб жонқўяр, фидойи ташкилотчилар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Владимир БАШКIROV,
«Металлург» спорт клуби раиси.

Саҳифа материалларини Ўзбекистон касаб уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудирини Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлашди.

Алишер Навоий таваллудининг 566 йилмига

ОГОҲЛИК ШАРТЛАРИ



Шоир илм поясини Куёш янглиг юксакида кўради, куёшлик истасанг, ўзингни камолга еткар, бундан ҳеч оғринма, дейди: Куёшлик истасанг, касби камол эт, Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

Бировким қилса олимларга таъзим, Қилур гўёки лайғамбарга таъзим. Илм, айниқса, подшоҳ учун кўп керак. Ҳозирги асрга келиб ким кўп ахборотга эга бўлса, ўша жамиятни бошқаради, деган фикр тақрор-тақрор айтиладиган бўлди. Навоий бунни зўр қилиб ўша замондақ шу шахзодага насихатда айтган-қўйган: Эрурсен шох - агар оғохсен сен, Агар оғохсен сен - шохсен сен.

Огоҳликка илмсиз етиб бўлмаслиги тайин. Шунинг учун шоир Искандар Мақдуний билан Мирзо Улуғбекни тарихда ўтган олим-шоҳларга намуна тарзида тилга олади. Дунёда нима кўп - фан кўп. Хўш, шахзода биринчи галда қайси фанларни ўргансин? Жавоб аниқ-тиниқ: ҳамма илмни ўрганиш керак! Лекин илмлар ичра қайси бирлари энг муҳим? Шоир уч илмни пеш билади. Биринчиси - дин илми. У фикр, ҳадис ва тафсирига бўлинади. Иккинчиси - тиббиёт илми. Ахир, киши ўз саломатлигини ўйлаб, Тангри амрини қандай бажаради? Мисол учун ўзи оғзига пахта билан сув томизиб турилган бўлса, бу бемор қандай қилиб рўза тутайди? Учинчиси - тарих илми.

Ўтмишни билиш бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетгани, уларни одамлар қайси амали билан эслаётгани сирларини ўрганиш учун керак. Тарих бунинг режасини тузиш, эртанинг тадоригини кўриш учун зарур. Тарих инсонга умр йўлини белгилаб олишда асқотади. Навоий бунни шаклан шахзода Абулфаворис Шох-Ғариб Баҳодирга айтаяпти. Аммо дostonга киритишдан кўзлаган асл мақсади эса барча китобхонларга шу фикрини етказиш. Шоирнинг ўзи дин, тиббиёт ва тарих илмларини билишда замонасининг олди кишига айланган эди. Бунинг асарлари маъно-мазмундан билиб оламиз. Бугун ҳам гап шу: муқаддас динимиз, тиббиёт ва тарихни билиш огоҳликнинг муҳим шартли бўлиб турибди. Султонмурод ОЛИМ.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт ХАЛҚАРО МУСОБАҚАГА ЙЎЛЛАНМА

2007 йилги мавсум ёш боксчилар учун масъулиятли беллашувларга бой бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда боксчилар Олмалик шахрида ўтказилаётган мамлакат биринчилигида баҳс юриштишмоқда. Мазкур беллашувга барча вилоят терма жамоалари жиддий тайёргарлик кўришди. Чунки айнан шу мусобақа Германия ва Россияда ўтказиладиган халқаро турнирлар олдиндан боксчиларни саралашда асосий боксчи ҳисобланади. Ғарчи ҳозир боксчилар

дастлабки бахслардан ўтишган бўлсада, 12 вазн тоифасидаги учрашувлар кескинлиги билан барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Мусобақа голиблари терма жамоа таркибидан жой олади. Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

Маҳалла

Иш билан шаҳар ҳокимлигига отланган Урозали ака телефон кўнгиригини эшитиб, хонага қайтиб кирди. - Раис бува, тушдан кейин бокс клубида янгиободликлар билан ўтказиладиган мусобақада... - Қатнашман, қатнашман, - деди

раис клубнинг тиниб-тинчимас раҳбари, бокс бўйича спорт устаси Муҳаммаджон Бойзоқовнинг эслатишидан мийғида қулиб. Кейин қўшиб қўйди: - Хўв бола, мактаб фойесидан умумий овқатланиш ва китоб савдолари ташкил этилади, бош-қош бўлгин-а.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Охангарон шахридаги 2-умумтаълим мактаби биноси «Охангаронцемент» очик акциядорлик жамияти хомийлигида таъмирлангач, спорт секцияларининг фаолияти янада жонланди. Айниқса, М. Бойзоқовнинг ташкилотчилиги, «Хонобод» маҳалласи ёшлари ўртасида олиб борган тарғибот ишлари натижасида бугунги кунда клуб ўз таркибига 100 дан ортик ёшлари берилаштирилган. - Ёшлар бўш вақтларини мазмунли, фойдали машғулотлар билан ўтказишлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган, - дейди Хонобод маҳалла оқсоқоли Урозали Алиқулов. - Маҳалламиз ёшлари ўртасида бирон-бир ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир бўлмаган. Бу - мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлиги доирасида амалга оширилган ҳаракатлар натижаси. Ҳатто, маҳалла кўмитасининг ўзида ҳам шахмат-шашка, стол теннис ва

лигида турли тадбирлар уюштириб турилади. Футбол бўйича шаҳардаги «Илоқ», «Бўстон», «Умид», «Ёшлик», «Янгиобод» ҳамда «Хонобод» маҳаллалари жамоалари ўртасида яқинда ўтказилган мусобақада омад яна хонободликларга қулиб қолди. - Охангаронлик ёшларнинг спорт ва бошқа соҳалардаги ташаббусларини хамиша қўллаб-қувватлашимиз, - дейди «Охангаронцемент» ОАЖ раиси Сергей Марченков. - Ютуқларини эса рағбатлантириб борамиз. Хонободликлар ҳақида тўхталишимиз керак, аввало, халқ учун фидойи маҳалла оқсоқоли Урозали Алиқуловнинг номини тилга олгимиз керак. Бутун фаолияти давомда мактабдан жисмоний тарбия фанидан сабоқ берган бу киши маҳаллага оқсоқол бўлган, худудда спорт ривожланди. Ҳатто, маҳалла кўмитасининг ўзида ҳам шахмат-шашка, стол теннис ва



Мунаввара ИСОКУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири. СУРАТДА: «Охангаронцемент» ОАЖ раиси Сергей Марченков маҳаллада футбол бўйича ўтказилган мусобақа голибларига эсдалик совғалари топширмоқда. Муаллиф олган сурат.

Шундан кейин

МУДҲИШ ҚАТЛ ҚУРОЛИ

Россия пойтахтидаги А. С. Пушкин номи давлат музейида икки кундан сўнг «Рус олишув» кўргазмаси очилади. Унда 1837 йил 27 январда (8 февралда) Александр Пушкинин яралаган дуэль тўпшончаси ҳам намоиш этилиши назарда тутилмоқда. Экспозициянинг ўзи ҳам мана шу мудҳиш дуэлнинг 170 йиллигига бағишланган.

РАШК ЎТИ БАЛОДУР

NASA астронавти Лиза Мари Новак йигит талашиб, бир кизга тажовуз килгани учун душанба кунни ҳибсга олинди. Discovery шаттли экипажи таркибидан парвоз қилган бу фазогир одам ўғрилаган интилиш, уни калтаклаш, автомобилга зиён етказиш ва далилларни йўқотишга уринишда айбланмоқда.

СОВУҚҚА ЧИДОЛМАЙ

Канаданинг Ванкувер шаҳрида руҳсат этилмаган жойда тўхтаб тургани учун бошқа манзилга кўчирилган ўз машинаси ичида совуқдан қотиб қолган 85 ёшли кампир жасади топилди. Полициянинг фикрича, автомобилдаги аёл маълум муддат беҳуш бўлган, эвакуатор хайдовчиси эса машина ойналари совуқдан музлагани учун уни пайқамган.

СУВ ТУБИГА ҚАМАШМОҚЧИ

Япония иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун карбонат ангидрид газини бир километрдан чуқурроқ океан тубига жамлаб ёпиш дастурини амалга ошириш ниятида. Сув остида у чексиз сув уммонига қўшилиб, фақат фойдаланган шароитлардаги ер қаърида мавжуд, газга ўта тўйинган суёқликка айланади.

ТЎҚҚИЗТАСИ ЯРОҚЛИ

Душанба кунни Италия ҳукумати хавфсизлик меъёрларига тўлиқ жавоб бермайдиган стадионларга футбол шинавандаларини киритмаслик ҳақида қарор қабул қилди. Мавжуд талаблар бўйича мамлакатдаги тўққизта ўйингоҳина яроқли деб топилди. Шундан қилиб, Италия чемпионати ўйинларининг аксарияти ишқибозларсиз ўтадиган бўлди.

2002 йил 10 майда Абдусаламов Олимжон Эшмирзаевнинг номига берилган № 004 сериали, 038017 рақамли тураржой учун ордер йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юқоричирчиқ тумани Курилиш, иктисод касб-хунар коллежида буюк мутафаккир шоир, сўз мулкисининг султони Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишлаб «Сўз зарғари» мавзусида адабий тадбир ўтказилди.

СЎЗ ЗАРГАРИГА ЭҲТИРОМ

туман кенгашлири ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Курилиш, иктисод касб-хунар, Педагогика коллежлари ўқитувчи ва талабалари ҳамда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. Сўзга чиққан шоир ва ёзувчилар Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг энг муҳим қир-

ралари хусусида батафсил ҳикоя қилиш билан бирга ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Тадбирда коллеж талабалари Навоий ғазалларидан намуналар ўқиб, миллий куй-кўшиқ ва рақслар ижро этишди. Латифжон МАНСУРОВ.

Qatralar KETMA, VAHORIM!

og'ushida. - Bahor mening yoshimga yana bir yosh qo'shdi, - ko'ngildan o'tkazdi u mamnun va shodon bo'lib. - Eh bahor, umrimning yana bir bo'lagini olib ketmoqda, - dedi qariya uzoqlarga o'ychan tikilib. Ikkalasining ham ko'ngildan bir fikr o'tdi: "Ketma, bahorim!" Bahor nasimi esib qoldi. Mo'ylovi maysa kabi endigina sabza urayotgan o'smir g'alati tuyg'ular

HULVO

Hulvoni bilasizmi? Yo'q deysizmi? Bo'lmagan gap. Hulvoni bilmagan odam bormikan? Hulvo bu yalpiz degani. Bizning qishloqda shunday deyishadi. Tunov kuni hulvo terгани bordim. Ariq bo'yida bodrab chiqibdiki, yotib terasiz. Bo'yini aytmasizmi, jannatiy bo'y. - Ko'proq terib borsam, buvim somsa yopadilar, - dedim o'zimcha. - Buvim, buvim - hammamiz maza qilib eymiz. Qo'shnilarга ham "Omonlik-essonlik, hech ko'rmaylik yomonlik" deb tarqatamiz. Xayol bilan bo'lib hulvoga qo'shib sassiq alaf ham uzib qo'yganimni bilmabman.

KAMALAK

Sim-sim yog'ayotgan yomg'ir tindi. Kun sathida quyosh jilva qilib, kamalak paydo bo'ldi. U zangori to'nga bog'langan beqasam bel-boqqa o'xshaydi. Kamalak jilosisga qarab zavqlanishning gashti boshqacha. Qaranglar, turna ko'z buloqning yuziga qaranglar! Unda kamalak aksi jimirlayapti! Nimanidir eslatadi u. Nimani ekan? Ha, topdim. Axir bu atlasning andozasi-ku! - Hoy, kamalak! Shohi atlasning ijodkori sen ekansan-da! Gulshoda QURBONOVA.

Чиноз туманидаги С. Рахимов номли ширкат хўжалиги тугатиш комиссияси томонидан қўйилган ким ошди савдосига қўйилади.

- 1. Ангар — Бошланғич нархи 9000000 сўм.
2. Марказий омбор — Бошланғич нархи 2500000 сўм.
3. Автобус — Бошланғич нархи 2000000 сўм.
4. «Нива» енгил автомашинаси — Бошланғич нархи 1000000 сўм.
Тугатиш комиссияси.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2007 йил 1 март кун соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 27 мартдаги № 11-0622/1009-сонли қарорига асосан банкрот деб топилган, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси 16-уйда жойлашган, МЧЖ шаклидаги «ЯНГИ ВЕГА» кўшма корхонасининг «Мулк жаммуаси», «ЯНГИ ВЕГА» кўшма корхонасининг тугатиш бошқарувчиси томонидан аукцион савдосига қўйилди.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг куйидаги:

АТИБ «Ипотекабанк»нинг Шайхонтохур филиалидаги х/р: 20210000500571452057, МФО 00425, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт. Телефонлар: 399-79-52, 133-28-52. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент вилояти Кенгаши «Вилоят аҳолиси ва мактаб ўқувчиларини фақуллода вазиятларга тайёрлаш» дастури бўйича, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида ишлаш учун, мутахассислигидан қатъи назар малакали ва муайян тажрибага эга шахсларни таклиф этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй. Телефон: 167-68-87.

Государственная компания «Тошэлектротранс» ассоциация «Тошшаҳартрансхизмат» реализует здания и сооружения бывшего Трамвайного ДЕПО № 1, расположенного по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Янги Замон, 84.

Обращаться по телефону: 144-24-75, ГК «Тошэлектротранс».

Эб-ҳаво МУҲИМ ХАБАР

7 февраль кунни Ўзбекистоннинг тоғли туманларида қор кўчиш хавфи бор. Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 7 февраль кунни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрини жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 15-17 даража илиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.